

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВА ФЕРУЗА АБДУЖАЛОЛОВНА

**КАМҚОНЛИК БИЛАН КЕЧАЁТГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ЮРАК ҲАМДА БУЙРАКДАГИ ФИБРОЗ
ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОЛИТЛАР МУВОЗАНАТИГА
АНТИАНЕМИК ДАВО САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Халилова Феруза Абдужалоловна

Камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигида юрак хамда буйракдаги фиброз жараёнлари ва электролитлар мувозанатига антианемик даво самарадорлиги..... 3

Халилова Феруза Абдужалоловна

Эффективность антианемического лечения фиброзных процессов в сердце и почках и электролитного дисбаланса при хронической сердечной недостаточности, протекающей с анемией..... 21

Khalilova Feruza Abdujalolovna

Effectiveness of antianemic treatment of fibrous processes in the heart and kidneys and electrolytic imbalance in chronic heart insufficiency processing with anemia..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВА ФЕРУЗА АБДУЖАЛОЛОВНА

**КАМҚОНЛИК БИЛАН КЕЧАЁТГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ЮРАК ҲАМДА БУЙРАКДАГИ ФИБРОЗ
ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОЛИТЛАР МУВОЗНАТИГА
АНТИАНЕМИК ДАВО САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1412 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Камилова Умида Кабировна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муллабаева Гузал Учқуновна
Тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Андижон давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябр соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй.Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.


Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (787 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «8» сентябр да таркатилди.
(2021 йил «8» сентябр даги 1 рақамли реестр баённомаси)




А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.А.Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент


А.Л. Аляев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафадоктори(PhD)диссертациясианнотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда hozirgi вақтда барча мамлакатларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) билан хасталанган беморлар сони тўхтовсиз ўсиб бормоқда. СЮЕ нафақат муҳим тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, «...АҚШнинг қарийиб 5,8 млн аҳолиси унга чалинган ва бутун дунё бўйлаб 23 млн дан кўп беморлар ундан азият чекадилар...»¹. Қатор ҳолларда СЮЕ камқонлик билан бирга келиб, кўпчилик муаллифларнинг фикрича, унинг функционал синфлар ошиб борган сари, камқонликни учраши ҳам кўпайиб бориши қайд этилган. Камқонлик нафақат СЮЕ клиник белгиларини кучайтиради, беморлар ҳаёт сифатини ёмонлаштириб, жисмоний юкламага бўлган чидамликни пасайтиради, балки шифохонага ётишлар сонини ҳам кескин кўпайтиради, ўлим хавфини эса икки ва ундан кўп мартага оширади. Жараёнга буйрақлар дисфункциясининг кўшилиши эса СЮЕ кечишини янада ёмонлаштириб, оғир асоратлар ривожланишига сабаб бўлади. СЮЕда полиморбид ҳолатларни эрта ташхислашни муқобил даволаш ва самарали профилактикасини таъминлаш долзарблигича қолмоқда.

Жаҳонда СЮЕ полиморбид ҳолатлар билан кечишда фиброз жараёнлари ҳамда профибротик цитокининларнинг тутган ўрнини баҳолаш ва унда даволанишни мувофиқлаштиришни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада СЮЕни клиник белгилари яққол намоён бўлгунга қадар СЮЕнинг ривожланиб боришида юрак фибрози ва нефросклероз жараёнлари юзага келиши, эрта аниқлаш, даволашга муқобиллаштирилган усулларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим ҳисобланади. Шунингдек профибротик цитокин, TGF β_1 трансфармацияловчи ўсиш омили ва галектин-3 ларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ушбу омилларни юрак ва буйрақда фиброз жараёнлари ривожланишида муҳим ўрин тутишини асослаш патологик жараёнларга самарали таъсир қилиш йўллари ва монанд рационал даволаш усулларини ишлаб чиқиш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштиришалоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан қонтомир ва юрак касалликлари коморбидликда кечганда уларни эрта аниқлаш, даволашни янада мукамаллаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалар

¹Харченко Е.П. Сердечная недостаточность: патогенетический континуум и биомаркеры / Харченко Е.П. // Кardiология. – 2012. - №3. – с. 52-64.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида СЮЕда юзага келадиган камқонлик сабабларинива унда буйракдаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, эрта асоратлар олдини олиш ва беморлар хаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкуртадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда СЮЕ мавжуд беморларда буйрак ва миокард зарарланишининг бир-бирини оғирлаштирувчи таъсирини ўрганишга бағишланган илмий ишларда кардиоренал (КРС) синдром ибораси ишлатилмоқда (Ponikowski P. ва ҳаммуал., 2019) Бу ибора беморда бир вақтнинг ўзида юрак ва буйрак дисфункцияси мавжудлигини англатади. Охирги йилларда эълон қилинган қатор изланиш натижаларида галектин-3ни фиброз жараёнларидаги ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилган. Қатор муаллифлар таъкидлашча, галектин-3 концентрацияси турли органлар, жумладан, юрак ва буйраклар фиброзланиш жараёнларида ортган. Буйрак фибрози моделига асосланган ҳолда, муаллифлар макрофагларнинг ажратиб олиниши миофибробластлар фаоллашувини сезиларли қисқартиради ва фиброз жараёнини секинлаштиради (Neovius M. ва ҳаммуал., 2014) деб таъкидлашган.

КФТнинг сусайишида фиброз ҳосил бўлиш жараёнларининг юзага келиши ва кучайиши муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда профибротик цитокин TGF- β_1 аҳамиятга эга бўлиб, галектин-3 синтезини оширади. TGF β_1 -галактозидазани боғлаб олиш хусусиятига эга бўлган эрувчан лектинлар оиласига мансуб кўп функционал оқсил ҳисобланиб, (Целуйко В.И., 2015; Bhatt A.S. ва ҳаммуал., 2020) организмда сув-туз алмашинуви бузилиши ва фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон муҳим аҳамиятга эга. Классик концепцияга кўра альдостерон буйрак усти беги пўстлоқ қисмида ишлаб чиқарилиб унга бўлган рецепторлар буйракда жойлашган ва унинг асосий самараси организмда суюқлик мувозанатини бир меъёрида сақлаб туришдан иборат (Huerta A. ва ҳаммуал., 2016).

Маълумки, альдостеронни бошқаришни асосий механизми ренин-ангиотензин-альдостерон тизими орқали амалга оширилади. Ренин буйракни

юкстагламеруляр аппаратида синтезланади. Унинг таъсирида жигарда ишлаб чиқариладиган ангиотензиногендан енгил вазоконстриктив таъсирга эга бўлган ангиотензин-1 ҳосил бўлади. Ундан сўнг буйрак проксимал каналчалари ва ўпкадан секреция қилинадиган ангиотензинни айлантирувчи фермент (ААФ) таъсирида у томирларни кучли торайтирувчи ангиотензин 2 га айланади. Сўнги оқсил буйрак усти беши ва бошқа аъзоларда альдостерон ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради (Cannavo А.ва ҳаммуал.,2019). Ангиотензин-2 билан бир қаторда натрий ва калий ионлари ҳам альдостерон синтезини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Калийни қонда атига 2 промиллиги ошиши альдостеронни 25% кўпайтиради. Шунингдек, аденокартикотроп гармон, допамин, эндотелин, серотанин, вазопрессан, ацетилхолинлар унинг ажралишини камроқ рағбатлантиради. Бўлмача олди натрийуретик пептиди, гепарин ва андрогенлар альдостерон ишлаб чиқарилишини ингибирлайди. Ушбу минералкортикоиднинг деярли барчаси қонда эркин айланиб ва махсус минералкортикоид рецепторлари билан боғлангандан сўнг таъсир кўрсата олади. Кўп сонли текширувларда ушбу рецепторлар нафақат буйрак эпителияси ҳужайралари балки организмнинг барча соҳаларида жойлашганлиги тасдиқланган (Ватутин Н.Т2019.ва ҳаммуал., 2019).Минералкортикоид рецепторлари асосан альдостерон ҳисобидан фаоллашади.

Маълумки, альдостеронни бошқаришни асосий механизми ренин-ангиотензин-альдостерон тизими орқали амалга оширилади. Шу билан бир қаторда сўнги йилларда альдостеронни нафақат буйракбалкиқаторбошқааъзоларда ишлаб чиқарилиши ватаъсиритўғрисидаҳамкўплабмаълумотлар олинди(Ватутин Н.Тва ҳаммуал., 2019).Хусусан,унингтизимли ёки чегараланган ҳолатда кўп ишлаб чиқарилиши қатор патологикреакцияларчақиради.Уларорасидаюқоридақайдэтилгансувватузн иушлабқолишбиланбиргааъзоватўқималардақоллагеншакилланишиникуча йтириши,эндотелиал ва чап қоринчани диастолик дисфункциялариничақириси ҳамда бошқа қатор таъсирлари муҳим аҳамиятга эга(Гадаев А.Г ва ҳаммуал 2018).

Диссертация изланишининг иш олиб борилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режаси билан боғлиқлиги. Диссертациятадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий- тадқиқот ишларига мувофиқ №03.2019.PhD058 “Бухоро вилояти иссиқ иқлимида организмнинг патологикгача бўлган ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган(2019-2021йй).

Тадқиқотнинг мақсади камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типларида беморларда буйрак ҳамда юракдаги фиброз жараёнлари ва электролитлар мувозанатига стандарт терапия негизида ўтказилган антианемик даво самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда темир танқислиги камқонлигини аниқлаш мақсадида қон зардобдаги темир, трансферрин, ферритин миқдорини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги темир танқислик камқонлиги билан кечган юрак зарб ҳажми сақланган, оралиқ ва паст беморларда цистатин - С ёрдамида аниқланган коптокчалар фильтрацияси тезлигини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечган юрак зарб ҳажми сақланган, оралиқ ва паст беморларда фиброз маркерлари галектин-3, TGF- β_1 ва альдостерон миқдорини таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилигида юрак ва буйрак фиброз маркерлари - галектин-3, TGF- β_1 , альдостеронни ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларни юрак ичиге модинамикаси ва электролитлар мувозанати гатаъсирин баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечган турли гемодинамик типдаги беморларда стандарт давонегизида ўтказилган антианемик ва антифиброз муолажаларни беморларни лаборатор ҳамда клиник кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида турли этиологияли СЮЕга чалинган 120 бемор ва ўз навбатида беморлар иккита гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳда СЮЕ камқонлик билан кечган 75 та ва СЮЕ камқонликсиз кечган 45 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида беморлар веноз қони ва унинг зардоб имунологик ва биокимёвий текширув учун олинган.

Текшириш усуллари: Диссертация ишида клиник функционал, асбобий (ЭКГ, ЭхоКГ), биокимёвий (темир, трансферрин ва ферритин; β_1 трансформацияловчи ўсиш омили; цистатин С; галектин-3; альдостерон; электролитлар), имунологик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор СЮЕ камқонлик билан кечган беморларда миокарддаги фиброз ва буйракдаги тубулоинтерстициал фиброз жараёнларини комплекс баҳоланган;

буйраклар проксимал каналчалари функционал ҳолати ва фиброз ҳосил бўл иш жараёнларини баҳолаш учун СЮЕ темир танқислик камқонлиги билан бирга кечган беморларда чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган, оралиқ ва паст гемодинамик типларида TGF- β_1 галектин-3, альдостерон кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

СЮЕ темир танқислик камқонлиги билан кечган беморларда чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган, оралиқ ва паст беморларда натрий, калий кўрсаткичларини буйракдаги тубулоинтерстициал жараёнлар ривожланишдаги ўрни исботланган;

камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигида юрак ҳамда буйракдаги фиброз жараёнларини ва электролитлар мувозанати га антианемик давоса марадорлигини баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: қуйидагилардан иборат:

СЮЕ ва камқонлик мавжуд беморларда буйракларкоптокчаларининг функционал ҳолатини цистатин-С, миокард ва буйраклардаги тубулоинтерстициалфиброзжараёнлари TGF- β_1 ва галактин-3 ёрдамида исботланган.

Чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган, оралик ва паст СЮЕ ҳамда камқонлик мавжуд беморларда юрак ва буйрак дисфункциялари кўрсаткичлари альдостерон, натрий, калий билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда бир-бирига таъсирини ўрганиш уларда буйрак ва миокард дисфункциясини эрта аниқлаш, тубулоинтерстициал ва миокардиал фиброзни олдини олишнинг комплекс даволаш бўйича, шунингдек СЮЕ кечишини барқарорлигига эришиш мумкинлиги ва давога мойиллик кўрсаткичининг яхшиланиш имкони мавжудлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий ёндашув ва услубларни қўллаш, назарий маълумотлар ва олинган натижаларнинг асослилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий аниқлиги, маълумотларни статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш, шунингдек, етарли миқдордаги беморлар текшируви, тадқиқот натижаларини халқаро маълумотлар билан таққослаш, эришилган натижа ва таҳлилларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СЮЕ камқонлик билан кечган беморларда коптокчалар филтрациясини цистатин-С, буйракдаги тубулоинтерстициал ва юракдаги миокардиал фиброз жараёнларини TGF- β_1 ва галактин-3 ёрдамида чап қоринчани қон отиш фракцияси гемодинамик типларида эрта ўрганилганлиги ушбу аъзолардаги фиброз жараёнлари тўғрисида аниқ маълумот беради шунингдек, СЮЕ камқонлик билан кечган беморларда стандарт даво негизида антианемик муолажаларни қўлланилиши ва уларни фиброз маркерлари ҳамда альдостерон, натрий, калийларга таъсирини комплекс патогенетик даво самарадорлигини баҳолаш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечган беморларда буйрак ҳамда юракдаги фиброз жараёнларнинг барқарорлашганлиги, ўлим ҳолатлари, даволаниш харажатларини камайтирилганлиги, бемор ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи, адекват даволашни танлаш учун зарур бўлган препаратларни стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типларида буйрак ҳамда юракдаги фиброз жараёнлари ва электролитлар

мувозанатига стандарт терапия негизда ўтказилган антианемик даво самарадорлигини баҳолаш негизда олинган илмий натижалар асосида:

сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда комплекс даволаш негизда буйрак фиброз маркерларини аниқлаш ва унинг амалий аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган“Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда комплекс даволаш негизда буйрак фиброз маркерларини аниқлаш ва унинг амалий аҳамияти” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/477 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕ негизда ривожланган камқонлик мавжуд беморларда стандарт даво негизда антианемик муолажалар биргаликда олиб борилганда буйракдаги фиброз жараёнларини барқарорлаштириш имконини берган;

юрак ва буйракдаги фиброз жараёнларни баҳолаш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган“Юрак ва буйракдаги фиброз жараёнларни баҳолаш усули” мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 8 н-р/309 сон маълумотномаси)Мазкур услубий тавсиянома камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типларида буйрак ҳамда юракдаги фиброз жараёнлари ва электролитлар мувозанатига стандарт терапия негизда ўтказилган антианемик даво самарадорлигини баҳолаш имконини яратган.

Камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типларида буйрак ҳамда юракдаги фиброз жараёнлари ва электролитлар мувозанатига стандарт терапия негизда ўтказилган антианемик даво самарадорлигини яхшилаш тамойиллари ҳамда даво-профилактик чора-тадбирларининг асосланганлиги соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Когон туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, РИКИАТМда жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 13 июл08-09/8144 - сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар касаллик кечишини турғунлаштириши, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқартириши ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши кузатилган

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий ишлар, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосаларва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан бирга кечган беморларда буйрак ва юрак зарарланишининг ўзаро бир-бирига таъсири”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. СЮЕ этиологияси ва учраши борасида айрим гендер фарқлар мавжудлиги. СЮЕ билан оғриган беморларда камқонликдан ташқари қатор бошқа полиморбид касалликлар ҳам аниқланиши, улар орасида буйраклар дисфункцияси нафақат СЮЕ патогенези ва ривожланишида, балки камқонлик кучайиб боришида ҳам етакчи ўрин эгаллаши айтиб ўтилган. Шунга қарамасдан айти пайтда бундай коморбид ҳолатлар илмий нуқтаи назардан кам ўрганилганлик сабаблари баён қилинган ва келгусидаги илмий изланишларнинг йўллари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Камқонлик билан кечаётган сурункали юрак етишмовчилигида юрак ҳамда буйракдаги фиброз жараёнлари ва электролитлар мувозанатига антианемик даво самарадорлиги тадқиқод материали ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида 120 нафар беморлар кузатилади. Беморлар гемоглобин кўрсаткичларидан келиб чиқиб 2 гуруҳга ажратилиб бирламчи кузатувга олиндилар. Биринчи гуруҳда гемоглобин кўрсаткичлари $110,4 \pm 10,2$ ва иккинчи гуруҳда $135,0 \pm 9,0$ г/лни ($p < 0,01$) ташкил қилди. Камқонлик аниқланган ва гемоглобин меъёрида бўлган беморларнинг ўртача ёши мос равишда $63,6 \pm 10,1$ ва $58 \pm 9,1$ йил ($p < 0,01$) эди.

Кузатувдаги беморларнинг ҳар иккала гуруҳи гемоглобин ва креатинин кўрсаткичларидан келиб чиқиб СЮЕ ФС, АГ, тана вазни индекси кўрсаткичлари, соғлом овқатланиш тартиби, наслий мойиллик, асосий шикоятлари, клиник белгилари ва клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, Миннесот сўровномаси ёрдамида солиштирма таҳлил ўтказилди.


Назорат гуруҳини 45 та СЮЕ камқонликсиз кечган беморлар ташкил қилдилар. Улар ҳам чап қоринчани қон отиш фракцияси бўйича (сақланган - 15 та, оралик-15 та ва пасайган-15 та) 3 гуруҳга ажратилдилар.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилигида кардиоренал синдромнинг айрим хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида Юрак ишемик касаллиги ва турли бошқа сабабларга кўра СЮЕ ривожланган 120

беморлар алоҳида кузатувга олиндилар. Уларнинг 46,5% эркаклар ва 53,5% аёллар ва ўртача ёшлари $60,1 \pm 9,9$ тенг эди.

Беморларнинг 92,9% яъни аксарият қисми, унча катта бўлмаган жисмоний зўриқишлар ёки тинч ҳолатда ҳаво етишмаслик ҳиссига, 11,7% тахипноэга, 68,24% бош айланишига, 97,6% ҳолсизликка, 67,89% тўпиқлардаги шишларга, 3,9% тунги йўталга, 28,2% юрак уриб кетишига ва 56,5% танадаги шиш ҳиссига шикоят қилдилар.

Объектив кўриқда юрак чўкки турткисининг чапга силжиши 87,1%, турли хил патологик шовқинлар 17,25%, периферик шишлар 68,24%, қориндаги шишлар 1,96%, аритмик пульс 10,6% кузатувдаги беморларда аниқланди.




1-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда қондаги гемоглабин (г/л) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

1-расмда кўрсатилганидек муолажалардан олдин ва кейин камқонлик билан кечаётган СЮЕ сақланган, оралиқ ва пасайган гемодинамик типларида гемоглабин кўрсаткичлари мос равишда $98,5 \pm 1,2$ г/л дан $103,3 \pm 1,2$ г/л, $98,6 \pm 1,3$ г/л дан $110,3 \pm 1,3$ г/л, $94,4 \pm 1,5$ г/л.дан $112,2 \pm 1,2$ г/л. ($p < 0,01$) га ёки мос равишда 4,4%, 10,6% ва 14,1%га ошди.

Ўтказилган таҳлил СЮЕ стандарт муолажаларига темир препарати кўшиб ўтказилган даврдан кейин барча гуруҳларда гемоглабин кўрсаткичларини ишончли кўтарилганлигини тасдиқлайди.

2 расмда СЮЕ турли гемодинамик типлари камқонлик билан кечганда муолажалардан олдин ва кейин бемор қонидаги темир кўрсаткичлари келтирилган. СЮЕ турли гемодинамик типларида қондаги темир миқдори муолажаларгача чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган ва оралиқ гуруҳларда бир биридан ишончли фарқ қилмади ($9,7 \pm 0,6$ ва $9,4 \pm 0,8$ мк.моль/л; $p > 0,05$). Чап қоринча қон отиш фракцияси камайган гуруҳ


беморларида қолган икки гуруҳга нисбатан қондаги темир кўрсаткичи паст бўлиб ($7,9 \pm 0,5$ мк.моль/л; $p < 0,05$) улардан ишончли фарқ қилди.



2-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда қондаги темир (мк.моль/л) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

Комплекс муолажалардан кейин чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган гуруҳдагиларда микроэлемент $9,7 \pm 0,6$ дан $36,1 \pm 1,6$ мк.моль/л. га ёки 3,72 марта ($p < 0,01$), чап қоринча қон отиш фракцияси оралиқ гуруҳда $9,4 \pm 0,8$ дан $39,4 \pm 1,3$ мк.моль/л.га. ёки 4,2 марта ($p < 0,01$), қон отиш фракцияси пасайган гуруҳда эса $7,9 \pm 0,5$ дан $42,1 \pm 1,7$ мк.моль/л.га ёки 5,34 марта ($p < 0,01$) ошди. Демак комплекс муолажаларга темир препаратини қўшилиши СЮЕ гемодинамик типига боғлиқ бўлмаган ҳолда қонда темир микроэлементини кўтарилишига олиб келди.

Маълумки, ферритин қондаги темир захирасини кўрсатувчи муҳим оксил бўлиб, аксарият адабиётларда темир танқислиги камқонлигини ташхислашни олтин стандарти деб таърифланади. У Fe^3 закис гидрати ҳамда апопротеин оксилларидан иборат бўлган ярим кристал тузилма ҳисобланади.




3-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда ферритин (мкг/л) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

СЮЕ чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган ва оралиқ гуруҳда (3-расм) унинг кўрсаткичлари бир-биридан ишончли фарқ қилмади ($202,3 \pm 14,9$ мкг/л ва $200,4 \pm 18,5$ мкг/л $p > 0,05$). Лекин СЮЕ чап қоринча қон отиш фракцияси пасайган гуруҳда ферритин кўрсаткичи чап қоринча қон отиш фракцияси оралиқ гуруҳига нисбатан 1,98 марта ($p < 0,001$), чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган гуруҳга нисбатан 2,0 марта ишончли ($p < 0,001$) камлиги қайд этилди. Темир препарати венофер кўшиб ўтказилган комплекс муолажалардан кейин унинг кўрсаткичлари чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган беморларда $202,3 \pm 14,9$ мкг/л. дан $305,2 \pm 12,5$ мкг/л. га ёки 33,7% га ($p < 0,01$), чап қоринча қон отиш фракцияси оралиқ гуруҳдаги беморларда $200,4 \pm 18,5$ мкг/л. дан $339,3 \pm 13,3$ мкг/л ёки 40,9%га ($p < 0,01$) чап қоринча қон отиш фракцияси пасайганларда эса $101,1 \pm 3,3$ мкг/л.дан $278,1 \pm 13,4$ мкг/л.дан ёки 63,7% ($p < 0,01$) ошганлиги аниқланди. Лекин сўнгги чап қоринча қон отиш фракцияси камайган гуруҳда захира олдинги икки гуруҳга нисбатан мос равишда 1,1 ва 1,2 марта ишончли пастлигича қолди ($p < 0,01$).

Трансферрин метал боғловчи транспорт оксиди β_1 глобулин ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси темир билан диссоцияланган бирлашма ҳосил қилиб қон оқимига, унинг токсик бўлмаган йўлини яратишдан иборат.

Тадқиқотимиздаги СЮЕ камқонлик билан кечган беморларнинг турли гемодинамик типларида муолажаларгача ва муолажадан кейин трансферрин кўрсаткичлари бир-биридан ишончли фарқ қилмади ($p > 0,05$). (4-расм) Лекин СЮЕ камқонлик билан кечган чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган беморларда комплекс муолажалардан олдин ва кейин трансферрин кўрсаткичлари $3,92 \pm 0,24$ дан $2,52 \pm 0,2$ г/л бўлиб 35,7% га ($p < 0,01$), чап қоринча қон отиш фракцияси оралиқ ва камайган ҳолатларда кўрсаткичлар


мос равишда $4,2 \pm 0,2$ дан $2,7 \pm 0,15$ г/л бўлиб 35,7% га ($p < 0,01$) ва $4,8 \pm 0,3$ дан $3,2 \pm 0,3$ г/л бўлиб 33,3% га ($p < 0,01$) камайди.



4-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда трансферрин (г/л) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

Таҳлиллар ўтказилган комплекс муолажалардан кейин трансферрин темир билан қўшилиб жараён барқарорлашганини кўрсатади.

Сўнгги йилларда галектин-3 турли аъзолар ва энг аввало юракдаги фиброз жараёнларининг маркери эканлиги кўп сонли кузатувларда ўз исботини топган.



5-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда галектин-3 (нг/мл) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

Тадқиқотга жалб этилган СЮЕ камқонлик билан кечган беморларда галектин-3 кўрсаткичларини энг юқори даражаси чап қоринча қон отиш


фракцияси сақланган беморларда аниқланди (5-расм). У чап қоринчани қон отиш фракцияси оралиқ ва сақланган гуруҳдагиларга нисбатан мос равишда 13,3% ва 13,5% кўплиги қайд этилди. Олинган натижалар адабиётлардаги маълумотларга, яъни СЮЕ диастолик дисфункциясида юракдаги фиброз жараёнлари яққолроқ намоён бўлишини тасдиқлайди.

Чап қоринчани қон отиш фракцияси типларидан келиб чиқиб комплекс муолажалардан олдин ва кейин галектин-3 кўрсаткичлари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. Қон отиш фракцияси сақланган гуруҳда кўрсаткичлар $22,54 \pm 1,1$ дан $19,6 \pm 1,0$ нг/мл. га тенг бўлиб ишончли ўзгариш ($p > 0,05$) аниқланмади. Қон отиш фракцияси оралиқ бўлганларда эса $19,55 \pm 1,3$ нг/мл дан $16,9 \pm 1,4$ нг/мл га ишончли ($p < 0,05$) камайди. Чап қоринча қон отиш фракцияси камайган гуруҳда эса $19,48 \pm 1,5$ дан $18,2 \pm 1,5$ нг/мл ($p > 0,05$) пасайди.

Таҳлиллар юракдаги фиброз жараёнларини тасдиқловчи маркер ҳисобланган галектин-3 кўрсаткичлари чап қоринчани қон отиш фракцияси оралиқ бўлган гуруҳда барқарорлашганлигини кўрсатди.

Маълумки, фиброз жараёни ривожланиши мураккаб бўлиб унда қатор омиллар қатнашади ва улардан бири альдостерон ҳисобланади. Ушбу гармон буйрак усти безида ишлаб чиқарилади ва сув-туз алмашинувида иштирок этади. Гиперальдостеронизм яъни унинг қонда ошиши буйрак дистал каналчаларида натрийни ушлаб қолинишига ва калий ҳамда магнийни чиқиб кетишига сабаб бўлади.

Кардиомиоцитларда минералкортикоид рецепторлари мавжуд бўлиб, улар орқали альдостерон миокардда тузилмавий ўзгаришлар ҳосил бўлишига яъни миокардиал фиброз жараёнида иштирок этади.




6-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда альдостерон (нг/мл) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

Бизнинг кузатувимиздаги СЮЕ камқонлик билан кечган турли гемодинамик типдаги беморларда унинг кўрсаткичлари қуйидагича бўлди (6-расм). Ушбу гормонни энг юқори кўрсаткичи чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган камқонлик билан кечаётган гуруҳда қайд этилди ва муолажаларгача $566,93 \pm 14,3$ пг/мл.га тенг бўлди. Бу чап қоринчани қон отиш фракцияси оралиқ ва пасайган ҳамда камқонлик билан кечаётган гуруҳдаги альдостерон кўрсаткичидан (уларда $529,04 \pm 13,8$ пг/мл ва $465,7 \pm 23,8$ пг/мл) ишончли мос равишда 6,7% ва 17,8% юқоридир ($p < 0,05$).

Темир ва эплеренон кўшиб ўтказилган комплекс муолажалардан кейин ушбу гормон кўрсаткичлари СЮЕ камқонлик билан кечаётган чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган, оралиқ ва пасайган гемодинамик типларда мос равишда $566,93 \pm 14,3$ дан $468,7 \pm 13,8$ пг/мл яъни 17,3% ($p < 0,01$), $529,04 \pm 15,4$ пг/мл.дан $450,1 \pm 15,6$ пг/мл.га яъни 14,9 % ($p < 0,01$), $465,7 \pm 23,8$ пг/мл дан $400,2 \pm 22,1$ пг/мл.га, яъни 14 % ($p < 0,01$) ишончли камайди. Бу рақамлар альдостерон СЮЕ қон отиш фракцияси сақланган, яъни диастолик тип ривожланишида етакчи ўрин тутишини тасдиқлайди. Комплекс муолажалар эса жараённи барқарорлашишига олиб келди.

СЮЕ кузатиладиган узоқ муддатли гипоксия ва жараёнга буйрак функционал ҳолати бузилишининг кўшилиши вазотоксик ва нефротоксик хусусиятга эга уремик токсинлар ҳосил бўлишини кўпайишига олиб келади. Уларнинг нефротоксик хусусияти ва нефрон проксимал каналчаларидан кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши тубулоинтерстициал жараёнларни тезлаштиради ҳамда маҳаллий оксидатив стресс чақиради. Ушбу жараёнда профибротик цитокин TGF- β_1 ишлаб чиқарилиши рағбатлантирилади. У нефросклероз ривожланишида асосий омил ҳисобланган етакчи цитокининлар гуруҳига киради.



7-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда TGF- β_1 (пг/мл) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари


Тадқиқотимиздаги СЮЕ камқонлик билан кечган ва турли гемодинамик типдаги беморларда унинг кўрсаткичлари турлича бўлди. Чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган ва оралик яъни миокардни диастолик дисфункцияси (7-расм) устунлик билан кечаётган беморлар қонида TGF-β₁ кўрсаткичлари қон отиш фракцияси пасайган гуруҳга нисбатан ишончли юқори бўлди. Биринчи иккита гуруҳда 2554,7±125,4 пг/мл ва 2832±176,0 пг/мл, сўнги гуруҳда эса 2194,3±75,8 пг/мл (p<0,05), тенглиги аниқланди.

Стандарт даво негизида темир препарати венофер ва МКРА эплеренон кўшиб ўтказилган муолажалардан кейин барча гуруҳларда TGF-β₁ кўрсаткичи мос равишда ишончли 2554,7±125,4 дан 118,7±46,2 пг/мл.га, 2832,7±176,0 дан 1142,5±62,1 пг/мл.га ва 2194,3±75,8дан 1152,5±51,2 пг/мл.га камайди. Ишончилилик даражаси мос равишда p<0,001; p<0,01 ва p<0,01 га тенг бўлди.

Таҳлиллар бир томондан СЮЕ диастолик ва оралик типда фиброз маркери TGF-β₁ қонда юқорилигини тасдиқласа, иккинчи томондан комплекс муолажалар фиброз жараёнига барқарорловчи таъсир этишини тасдиқлайди.

Адабиётлар шарҳи ва ўтган параграфда баён қилганимиздек буйрак коптокчалари ҳолатини баҳолашда сўнги йилларда цистатин-С дан фойдаланилади.

Маълумки, у креатининга нисбатан қатор устунликларга эга. Ушбу оксил цистеинли протеиназа ингибиторлари генетик оиласининг иккинчи гуруҳига мансуб ва қон плазмаси таркибида бўлади ҳамда организмдан буйраклар орқали чиқарилади. Буйракдаги ўзгаришлар қанча оғир бўлса, цистатин-С у орқали шунча ёмон филтрланади ва қондаги миқдори кўтарилади.



8-расм. Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик типлари камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда Цистатин-С (мг/л) даражасини муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичлари

Шуни ҳисобга олиб, биз кузатувимиздаги камқонлик билан кечган СЮЕ турли гемодинамик типларидаги беморлар қонида цистатин-С кўрсаткичларини муолажадан олдин ва кейин ўргандик (8-расм).

Муолажаларгача энг юқори цистатин-С СЮЕ камқонлик билан кечган ва қон отиш фракцияси пасайган беморларда аниқланди. У чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланганлардан 36,7% ва чап қоринчани қон отиш фракцияси ораликда бўлган гуруҳдан 20,2% кўплиги қайд этилди ($p < 0,05$). Темир препарати кўшиб ўтказилган комплекс муолажалардан кейин чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган, оралик ва пасайган гуруҳ беморларда цистатин-С мос равишда $1,39 \pm 0,05$ дан $0,9 \pm 0,01$ мг/л. га яъни 1,54 марта ($p < 0,01$), $1,58 \pm 0,15$ дан $0,92 \pm 0,01$ мг/л.га яъни 1,7 марта ($p < 0,01$) ва $1,9 \pm 0,02$ дан $0,91 \pm 0,01$ мг/л. га яъни 2,1 марта ($p < 0,01$) камайди. Рақамлар ўтказилган муолажаларни буйраклар функционал ҳолатига ижобий таъсир этганлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлилларимиз СЮЕ камқонлик билан кечган беморларнинг турли гемодинамик типларида фиброз маркерлари галектин-3 ва TGF β_1 ўзгаришини тасдиқлади. Бунда ҳар иккала маркер кўрсаткичлари чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган, яъни миокардни диастолик дисфункциясида юқорилиги қайд этилди. Худди шундай ҳолат қондаги альдостерон миқдорида ҳам аниқланди. СЮЕ комплекс муолажаларига темир препарати темир III гидроксид сахароза комплекси (венофер) ва МКРА антифибротик таъсирга эга бўлган эплеренон кўшиб ўтказилган даводан сўнг нафақат феррокинетик кўрсаткичлар, балки юрак ва буйракнинг фиброз маркерлари ҳам ишончли камайишига яъни жараённи барқарорлашишига эришилди. Бунда иккала аъзодаги фиброз ўзгаришлар параллел яъни ҳамоҳанг кечиши тасдиқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда унинг барча гемодинамик типларида юрак ва буйракдаги фиброз жараёнлари параллел кечади. Лекин унинг юрак чап қоринчаси қон отиш фракцияси сақланган ва оралик типларида ушбу жараёнлар яққолроқ намоён бўлади. Буни улар қонида галектин-3 ва TGF- β_1 кўрсаткичлари юқорилиги тасдиқлайди.

2. Сурункали юрак етишмовчилигининг барча гемодинамик типлари камқонлик билан кечганда альдостерон билан галектин-3 орасида аниқланган мусбат ишончли корреляцион боғлиқлик (сақланган $r = 0.96$; оралик $r = 0.95$; пасайган $r = 0.94$; $p < 0.001$ барча ҳолларда) организмда фиброз жараёнлари ҳамоҳанг кечишини тасдиқлайди.

3. TGF- β_1 билан феррокинетик кўрсаткичлар, яъни гемоглабин $r = - 0.5$; $p < 0.001$; темир $r = - 0.57$; $p < 0.001$; ферритин $r = - 0.31$; $p < 0.05$ орасидаги салбий корреляцион боғлиқлик ушбу маркер билан камқонлик бир бирини кучайтирувчи таъсир кўрсатишини тасдиқлайди.

4. Буйраклардаги фиброз жараёнларни маркери ҳисобланган TGF- β_1 кўрсаткичлари чап қоринча қон отиш фракция сақланган ва оралик гуруҳда фракция камайганларга нисбатан устунлик қилди. Биринчи иккита гуруҳда

маркер 2554.7 ± 125.4 пн/мл ва 2832 ± 76.9 пг/мл сўнги гуруҳда эса 2194.3 ± 75.8 пг/мл ($p < 0.05$) тенг бўлди.

5. Сурункали юрак етишмовчилигида қонда калий ва натрий миқдорини назорат қилиб таркибида эплеренон бўлган комплекс муолажалар электролитлар мувозанатини ўзгаришига олиб келмаслиги аниқланди.

6. Чап қоринча қон олиб бериш фракцияси сақланган ва оралиқ гуруҳда фиброз маркерларининг ошиши яққолроқ намоён бўлади. СЮЕ стандарт давосига антианемик ва антифиброз эплеренон препаратлари қўшиб ўтказилган комплекс муолажалар фиброз жараёнларини барқарорлаштиради ҳамда беморларни ҳаёт сифати кўрсаткичларини ишончли ошишига олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАЛИЛОВА ФЕРУЗА АБДУЖАЛОЛОНА

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ АНТИАНЕМИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ
ФИБРОЗНЫХ ПРОЦЕССОВ В СЕРДЦЕ И ПОЧКАХ И
ЭЛЕКТРОЛИТНОГО ДИСБАЛАНСА ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ
СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ, ПРОТЕКАЮЩЕЙ С АНЕМИЕЙ**

14.00.05- Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/Tib1412.

Диссертация выполнена в Бухарском Государственном Медицинском Институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Ахмедов Халмурад Садуллаевич**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Камилова Умида Кабировна**
доктор медицинских наук, профессор
Муллабаева Гузал Учқуновна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Андижанский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «14» сентября 2021 г. в 15.00 часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tpa2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № 784). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «8» сентября 2021 год.
(Протокол рассылки № 1 от «8» сентября 2021 года)



[Signature]
А.Г. Гадаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

[Signature]
Д.А.Набиева
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

[Signature]
А.Л. Аляви
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время наблюдается неуклонный рост количества пациентов с хронической сердечной недостаточностью (ХСН) во всех странах мира. ХСН является как медицинской, так и социально-экономической проблемой: «... ею страдают около 5,8 миллиона человек в Соединенных Штатах и более 23 миллионов пациентов во всем мире...»¹. Согласно мнению многих авторов, в случаях течения ХСН с анемией наблюдается увеличение как функциональных классов ХСН, так и частота встречаемости анемии. Усугубляя клиническое течение ХСН, анемия, ухудшает качество жизни пациентов, снижает толерантность к физическим нагрузкам, а также резко увеличивает количество госпитализаций, увеличивая риск смерти почти вдвое. Это, в свою очередь имеет значение среди пациентов с ХСН и коморбидными состояниями, в частности с почечной дисфункцией. Последняя ухудшает течение ХСН, приводя к повышению уровня креатинина в сыворотке крови и снижению скорости клубочковой фильтрации (СКФ). Это, в свою очередь, говорит о необходимости ранней диагностики, оптимизации альтернативного лечения и эффективных методов профилактики коморбидных состояний при ХСН.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по оценке роли фиброзных процессов и профибротических цитокинов в лечении полиморбидных состояний и достижения высокой эффективности в оптимизации лечения. В связи с этим исследования в области механизмов развития сердечного фиброза и нефросклероза, их ранняя диагностика до проявления первичных клинических признаков ХСН, разработка альтернативных методов лечения требуют особого внимания. Таким образом, Также определение взаимосвязи между профибротическим цитокином, трансформирующим фактором роста TGF- β 1 и галектином-3, обоснование роли этих факторов в развитии фиброза сердца и почек, разработка рациональной основы для эффективного лечения данных патологических процессов и усовершенствование мероприятий, направленных на решение этой проблемы, являются актуальным направлением проводимых исследований.

В нашей стране перед медицинскими работниками поставлены ряд задач, направленные на раннее выявление сердечно-сосудистых заболеваний в сочетании с коморбидными состояниями, усовершенствование их лечения и соответствие требованиям мировых стандартов лечения. «...В нашей стране поставлены ряд задач, направленные на повышение эффективности оказываемой населению медицинской помощи, ее качества и доступности, внедрение высокотехнологических методов ранней диагностики заболеваний, их лечения и профилактики, проведение патронажа населения с целью поддержания здорового образа жизни населения и предотвращения

¹Харченко Е.П. Сердечная недостаточность: патогенетический континуум и биомаркеры // Кардиология. – 2012. - №3. – с. 52-64.

развития заболеваний...”²данные задачи позволят проводить раннюю диагностику анемий и изменений функции почек при ХСН, предотвращению развития ранних осложнений и улучшению качества жизни больных.

